

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

2007 йил, 19 октябрь, жума

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қуйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилган бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди.
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида бўлиб ўтган йиғилиш Республика Хотин-қизлар кўмитасининг жорий йил тўққиз ойидаги фаолияти таҳлилига бағишланди.
- Тошкентдаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубида Ўзбекистон Адолат социал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси фракциясидаги депутатлари ва фаол ёшлар иштирокида учрашув ташкил этилди. Унда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, сиёсий фаоллигини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.
- Тошкент Архитектура ва қурилиш институтида «Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.
- Тошкентда «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини метрологик таъминлаш — алоқа хизматлари сифатини оширишнинг асосий йўлларидан бири» мавзuida халқаро илмий-техник семинар ўтказилди.
- Республика «Аёллар Кенгаши» жамоат бирлашмаси томонидан ташкил этилган «Йил аёли» кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичида шаҳар ва туманлардаги саралаш босқичида мутлақ ғолибликни қўлга киритган 13 нафар зукко аёл ўзaro беллашди.
- Наманган санъат коллежида «Янги авлод — 2007» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи якунига етди. Унда 365 нафар ўғил-қиз санъатнинг бадиий ва амалий турлари, шеърят, насрий асарлар, сахна чиқишлари сингари олтига йўналиш бўйича ўзaro баҳс юритдилар.
- Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги республика ўқувчилар саройида ўтказилган ракетамодел спорт буйича очик биринчилик «Улғубек юлдузи» шиори остида ташкил этилди.
- Жиззах вилоятида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 23941 та янги иш ўрни яратилди. Бунга асосан тадбиркорликни ривожлантириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига эришилди.
- Наманган шаҳрида миллий кинофильмлар ойлғи ўтказилди. Мамлакатимиз киноижодкорларининг вилоят маркази, туманларда намойиш этилган 40 га яқин бадиий ва ҳужжатли фильмлари катта экран муҳлисларига ажойиб совға бўлди.

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 202 (11.011) Баҳоси эркин нарҳда

## Ўзбекистон-Туркманистон: ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 18 ОКТАБРЬ КУНИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ТУРКМАНИСТОНГА КЕЛДИ

Давлатимиз раҳбарини Туркманистон Президентининг Ашхободдаги саройида расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Президентлар — Ислom Каримов ва Гурбангули Бердимухаммедов шoҳсулага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафидан олдидан ўтдилар.

Ислom Каримов ва Гурбангули Бердимухаммедовнинг яқма-яқма суҳбатидa мамлакатларимиз ўртасидaги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг мазкур ташрифи ўзaro ишонч ва ҳурмат асосидaги икки томонлама манфаатли ҳамкорликка янги суръат бахш этиши ва уни янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши таъкидланди. Ашхобод самити Ўзбекистон ва Туркманистоннинг ҳамкорлик йўлидаги иштишлари муштарак эканлигини кўрсатиши қайд этилди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидaги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Жумладан, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва гуманитар ҳамкорлигига, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидaги муносабатлар янги давр талаблари асосидa ривожланиб бормoқда. Мамлакатларимиз ўртасидa ўзaro ҳамкорликка оид юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Хусусан, Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзaro ёрдам тўғрисидаги шартномада (1996 йил), Дўстлик, ишончли мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномада (2004 йил) икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга, халқаро интеграция жараёнларини ривожлантиришга қаратилган. Мамлакатимиз дунёнинг аксарият давлатлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Туркманистон ҳам ташқи дунё билан турли соҳаларда ҳамкорлик учун очикдир.

Президентлар ёқилғи-энергетика соҳаси Ўзбекистон ва Туркманистон учун янги имкониятлар очаётганини таъкидладилар. Мамлакатларимизда энергия манбаларининг йирик конлари бор. Дунёда нефть ва газга талаб ошиб бораётган ҳозирги шароитда бундай омил ҳамкорликдаги лойиҳалар учун яхши асос бўлиши табиий. Хусусан, жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон, Туркманистон, Россия ва Қозғистон ўртасидa Каспий бўйлаб янги газ қувури барпо этиш ва Марказий Осиёдан Россияга нефть-газ узатиладиган мавжуд қувурни реконструкция қилиш борасидa эришилган келишув муваффақият билан ҳаётга татбиқ этилиши учун барча имкониятлар мавжуд. Зерo, мазкур мамлакатлар бир-бирини яхши биладиган ишончли шериклардир. Бундай шароитдаги ҳамкорлик уларга нафақат миллияв-иқтисодий, балки сиёсий ва гуманитар манфаатлар ҳам келтириши шубҳасиздир.

Каспийбўйи қувури Марказий Осиёдан Россияга узатиладиган газ ҳажмини қарийб икки баробар ошириш имкони беради. Одатда қувур ётқизиш ишлари йирик сармоявий ҳамкорликни назарда тутади. Мутахассислар бу ҳамкорлик негизидa қувур ўтган жойларда

инфратузилмани, сайёҳлик ва экология соҳасидaги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун имкониятлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон ўз ҳудуди орқали ўтадиган Туркманистон-Хитой газ қувурини барпо этиш лойиҳасини ҳам қўллаб-қувватлайди. Бу мамлакатимиз транзит салоҳиятини ошириш баробарида Ўзбекистон газининг экспорт йўналишларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Президентларнинг мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасидa давом этди. Ислom Каримов Ашхобод самити мамлакатларимизнинг ҳамкорлиги кенгайиб бораётганидан яна бир далolat эканлигини таъкидлади.

Гурбангули Бердимухаммедов Ўзбекистон Президентини Ислom Каримовни Туркманистоннинг энг ҳурматли ва энг фахрли меҳмони деб билишини, томонларнинг ўзaro ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига қарашли, қўрилган халқаро муаммоларга муносабатни ўхшаш ёки яқинлигини қайд этди.

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидa иқтисодий-ёқилғи катор соҳалари бўйича ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари қўриб чиқилди. Ёқилғи-энергетика мажмуи, қишлоқ хўжалиги, кимё ва металлургия саноати, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сув хўжалиги иншоотларидан фойдаланиш, сайёҳлик каби йўналишлардаги ҳамкорлик устувор аҳамият касб этиши таъкидланди. Масалан, Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидa транзит юк тaшишда ўзaro хизмат кўрсатишда амалий ҳамкорлик қарор тогган. Мамлакатларимиз ҳудуди орқали тaшиб ўтиладиган Ўзбекистон ва Туркманистонга тегишли экспорт-импорт юклар ҳажми қарийб 2,5 миллион тоннани ташкил қилади.

Аммо савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасидaги имкониятлар тўлиқ ишга солинипти, деб бўлмади. Товар айирбошлaш ҳажми, қўшма корхоналар сони икки томонни ҳам қониқтирмайди. Ваҳоланки, сармояларни ўзaro ҳамоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, халқаро дарё, йўловчи ва юк тaшиш алоқаси тўғрисида ҳужжатлар имзоланган. Умуман, иқтисодий ҳамкорликка оид йиғирмадан зиёд ҳужжат мавжуд.

Музокарада тегишли вазирлик ва идораларга икки томонлама келишувлардан самарали фойдаланиш ва ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби вазифаларни топиришига келишиб олинди.

Гуманитар ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам. У маданият, таълим, сайёҳлик каби қатор соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда туркманлар, Туркманистонда ўзбеклар истиқомат қилиши, кўп жойларда икки халқ вакиллари қариндошлик ришталари билан мустаҳкам боғлангани ҳам ижтимоий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. 1997 йилда Хива шаҳрида буюқ туркман шоири Махтумқулнинг ҳайкали очилгани икки халқ маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

2004 йилда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидa фуқароларнинг ўзaro қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудидa жойлашган объектларда хизмат килувчи шахсларнинг Ўзбекистон-Туркманистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳужжатларaro битимлар им-

золанган. Мамлакатларимиз илм-фан ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорлик борасидa ҳам ўзaro келишувларга эришган.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислom Каримов ва Туркманистон Президентини Гурбангули Бердимухаммедов Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги давлатларaro шартномани, Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатларaro шартномани, Ўзбекистон-Туркманистон қўшма баёнотини имзоладилар.

Ўзбекистон ва Туркманистон ташқи ишлар вазирликлари ўртасидa Давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги ҳужжатларaro битим, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Туркманистон Маданият ва телерадиозашиштириш вазирлиги ўртасидa 2010 йилгача мўлжалланган ҳужжатларaro маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан Туркманистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўртасидa қишлоқ хўжалиги зарарқундаларига ҳамда ўсимликлар касалликларига қарши курашда ўзaro ҳамкорлик тўғрисидаги идораларaro битим, Савдо-саноат палаталари ўртасидa ҳамкорлик тўғрисидаги идораларaro битим, Божхона кўмиталари ўртасидa ахборот алмашувини ташкил этиш тўғрисидаги идораларaro протокол имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислom Каримов ва Гурбангули Бердимухаммедов музокаралар ўзaro ҳурмат ва ишонч руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини, бугун эришилган келишувлар келгусида Ўзбекистон-Туркманистон ҳамкорлигини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилишини таъкидладилар.

— Музокараларда ўзaro муносабатларни ҳар томонлама кенгайтиришга келишиб олдик, — деди Ислom Каримов. — Имкониятларимиз таҳлили ўзaro товар айирбошлaш ҳажмини янада ошириш ва қўшма корхоналарни қўпайтириш учун Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам улкан салоҳиятга эга эканлигини кўрсатди.

— Биз ўзaro муносабатларни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган Ўзбекистон Президенти Ислom Каримовни Туркманистоннинг яқин дўсти деб биламиз, — деди Гурбангули Бердимухаммедов. — Бугун имзоланган ҳужжатлар ўзaro ҳамкорлигининг кўламини кенгайтириб, унинг ривожига янги суръат бахш этади. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи муносабат билан «Рухият» саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Бу ерга Ўзбекистон ва Туркманистон расмий делегациялари аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

Гурбангули Бердимухаммедов Туркманистон-Ўзбекистон муносабатларини ривожлантириш, икки мамлакат халқларининг дўстлик ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлидаги буюқ хизматлари учун Ислom Каримов «Хурматли эл ёшүүлари» унвони билан тақдирланганини эълон қилди ва мамлакатимиз раҳбарига уни тантанали равишда топширди.

Маросимда ўзбек ва туркман санъаткорлари ижросидa катта концерт намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислom Каримовнинг Туркманистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎзА махсус мухбири.  
Ашхобод.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

**Каска сатрларда**

- **БУГУН** Тошкент Ирригация ва мелiorация институтида Мирзо Улғубек туман ФХДЭ бўлимининг «Соғлом оила — юрт истиқбол» деб номланган жамоатчилик асосидаги ёш оила қувурилар мактабининг очилиш маросими ҳамда ушбу мактаб тинчловчилари иштирокидаги биринчи машғулот бўлиб ўтди.
- **КЕЧА** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйда бичиш-тиқиш ўқув курси иштирокчилари ўртасидa уюштирилган кўрик-танлов «Моҳир кўлар» деб номланди.
- **ЎТГАН** кун Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Тошкент шаҳар фили-

али ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбатидa юртимиз Истиқолининг 16 йиллик даврида ҳар бир жабҳада амалга оширилган ислохотлар ҳамда келгусида ечимли кутаётган долзарб масалалар муҳокама қилинди.

- **АЁЛЛАР** Кенгаши» жамоат бирлашмаси ташаббуси билан аёллар ўртасидa уюштирилган «Йил аёли» миллий танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди, ғолиблар тақдирланди.
- **ЎЗБЕКISTON** Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Устандарт» агентлиги ҳамкорликларида алоқа тизими мутахассислари иштирокида ўтказилган семинарда алоқа ва коммуникация тизимини янада такомиллаштириш масалалари хусусида фикр алмашилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

## САЙЁҲЛИК РИВОЖЛАНИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА «ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМИ» XIII ХАЛҚАРО ТОШКЕНТ САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ ЯКУНЛАНДИ. ИККИ КУН ДАВОМ ЭТГАН УШБУ АНЖУМАНДА ЎЗБЕКISTON, РОССИЯ, ИСПАНИЯ, ГРЕЦИЯ, ЧЕХИЯ, ТУРКИЯ, МИСР, БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ, САУДИЯ АРАБИСТONI, ҲИНДИСТОН, МАЛАЙЗИЯ, ЭРОН, ҚОЗОГISTON ВА ҚИРГИЗISTON КАБИ ЎТТИЗГА ЯҚИН МАМЛАКАТДАН ҚАРИЙБ САКСОНТА ФИРМА ВА КОМПАНИЯ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Мазкур аънанавий халқаро тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда сайёҳликни ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтириш, халқлар ўртасидaги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашдан иборат. Тадбирда иштирокчилар жаҳон туризми эришаётган ютуқлар, тўпланган бой тажриба билан танишиш имконига эга бўлдилар.

Сайёҳлик барқарор ривожланишининг муҳим омилли ҳисобланган, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ва ўзaro муносабатларнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари Ислom Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда меҳмонхона хўжалиги, сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқлари изчил ривожланмоқда. Соҳада банд бўлганлар сони, дам олиш масканлари тобора кўпаймоқда. Хусусий бизнеснинг сайёҳлик хизматлари умумий ҳажмидаги улуши 90 фоизни ташкил этади. Мутахассислар фикрича, 2010 йилга бориб ўлкамизга келадиган сайёҳлар сони 3,5 баробар ортади. Бунда мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулайликлар, солиқ имтиёзлари, соғлом рақобат ва ишбилармонлик муҳити муҳим омил бўлмоқда.

«Ипак йўли туризми» XIII Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси иштирокчилар ва намойиш этилган лойиҳалар сонининг кўлиги, сайёҳлик соҳасининг янги йўналишлари намойиши жиҳатидан ҳам аввалгиларидан ажралиб турди. Ярмаркада мамлакатимиз ва хорижий сайёҳлик фирмa ва компаниялари

ўз лойиҳаларини тақдим этдилар.

— Сайёҳлик соҳасида Ўзбекистон компаниялари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан жуда манфаатдоримиз. — дейди Малайзиянинг «Tourism Malaysia» сайёҳлик компанияси раҳбари Азизах Азиз. — Ўзбекистон беҳад гузал ва тарихий обидаларга бой мамлакатдир. Малайзияда юртингиз маданияти, тарихи ва бугунги кун билан танишишга қизиқиш катта. Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркасидаги иштирокчимиз Ўзбекистон сайёҳлик бозори билан батафсил танишиш, янги алоқалар ўрнатиш имконини берганидан хурсандимиз.

Миллий ва халқаро сайёҳлик ташкилотлари, меҳмонхона ва рестороанлар, музейлар, банк хизматлари, сурфурта компаниялари ҳамда оромгоҳлар вакиллари иштирок этган ушбу ярмаркада мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва тақлиф этилаётган хизматлар, бетақорор ва хушманзара, ноёб мезморий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ хўнрамандлиги буюмлари, фотоэкспозициялар намойиш этилди. Ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланди.

Ирода УМАРОВА,  
ЎзА мухбири

## ЖАҲОНДА

- БМТ Хавфсизлик Кенгаши 2008 йил 1 январдан икки йил мобайнида ташкилотнинг муваққат аъзолари бўладиган бешта давлатни сайлади. Шу тарихда Ливия, Бурунди, Фасo, Вьетнам, Хорватия ва Коста-Рика Хавфсизлик Кенгашининг янги аъзоларига айланди. Янги аъзолар келгуси йилнинг бошида Хавфсизлик Кенгашининг айна пайтдаги муваққат аъзолари — Конго, Гана, Перу, Қатар ва Словакиянинг ўрнини эгаллайди.
- Кеча Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Кремлдаги студияда уч соату беш дақиқа давомидa олтинчи бор мамлакат халқи билан бевосита мулоқот ўтказди. Қайд этилишича, ушбу вақт мобайнида Президентга турли воситалар орқали 2506740 та савол йўлланган. Путин энг долзарб 78 та саволга жавоб беришга улгурди, шунингдек, тадбирдан сўнг журналистларнинг саволларига ҳам жавоб қайтарди.
- Кеча саккиз йиллик қувгидан сўнг Покистоннинг собиқ бош вазири Беназир Бхутто хоним ўз юртига қайтди. Карачи шаҳрида муҳолифатдаги халқ партиясининг раҳбари Бхуттонинг кутиб олиш учун 1 миллиондан ортиқ киши йиғилди. Кутиб олиш давомида Беназир Бхуттога суиксад уюштирган икки камикадзенинг ўзини портлатиб юбориши оқибатида 115 киши ҳаётдан қўз юмди, 200 га яқин аҳоли ярадор бўлди. Бхуттога ҳеч қандай зарар етмади.
- Туркия парламенти мамлакат армиясининг Ироқ шимолидаги қурд жангариларига қарши ҳарбий амалиёт олиб боришига рухсат берувчи қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Амалиётларнинг қанча вақт давом этиши ва қўламини ҳарбийларнинг ўзлари белгилаши маълум қилинди.
- Кеча Россия ва Ҳиндистон кўп функцияли бешинчи авлод қирувчи самолётларини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимини имзоллади.
- Грузия Президенти Михаил Саакашвили парламентнинг кўпчилик аъзолари билан учрашуви чоғида президентлик мuddатини тўрт йилдан беш йилга узайтириш, шунингдек парламент ва президентлик сайловларини бир вақтда — беш йилда бир марта ўтказишни тақлиф қилди.
- Кеча Москвада «Кристи» аукцион уйи томонидан Пикассо, Рубенс, Модильяни каби улуг мусавирларнинг қимматбаҳо суратлари, Фаберженинг пасха тухуми каби жуда ноёб экспонатларнинг кимодиди савдосидан олдинги икки кунлик кўргазмаси бошланди. Кўргазмага қўйилган буюмларнинг умумий қиймати 200 миллион долларни ташкил этиши таъкидланмоқда.

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ МУҲТАШ «ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛЬ» МЕҲМОНХОНАСИДА 4-ХАЛҚАР «ҚУРИЛИШ. ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАСИ. ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ — EXPO CONSTRUCTION — 2007» ҚУРИЛИШ КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА.

Кўргазмалар

ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ НАМОЙИШИ


Мазкур кўргазма ташкилотчиси — «ZagExpo» кўргазма компанияси бўлиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси, Республика архитекторлар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда «Shosh Invest Group» компаниялари расмий кўмак кўрсатишяпти.

Кейинги йилларда юртимизда, хусусан, пойтахтимизда кенг қўламли қурилиш-тиклаш ишлари амалга ошириляётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бу, албатта янги, сифатли қурилиш материаллари, технологиялар, асбоб-ускуналарни талаб қилади. Айниқса, кўргазмага ташриф буюрувчилар очик майдонда ўтказилган энг янги техника ва жиҳозларнинг намойишидан катта таассурот олишди: арралар, тош майдалагич, майдаловчи чўкичлар ҳамда қурилиш жиҳозлари намойиши етук мутахасис ва ушбу соҳанинг малакали муҳандисларининг охириги ютуқлари билан яқиндан танишиб, уларни баҳолаш имконияти яратилганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Уч кунлик тадбир давомида ташриф буюрувчиларга Ўзбекистон, Германия, Россия, Украина, Туркия, Швеция,

Польша, Швейцария, Италия каби кўплаб давлатларнинг 50 тадан ортиқ ишлаб чиқарувчи ва дистрибьютер компанияларининг «Қурилиш, қурилиш техникаси ва жиҳозлари», «Интерьер дизайн», «Безаш, безакли текстиль» «Бўёқлар, лок, девор ва полга турли қопламалар», «Дераза ва эшиклар», «Сантехника жиҳозлари», «Керамика, мрамор ва тош буюмлар», «Электртехника ашёлари», «Ишлов берилган, қурилиш учун мўлжалланган ойналар» каби тематикаларга оид стендлар, бўлимларда ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари ҳамда хизмат турлари билан батафсил танишиш имкониятлари яратилди.

Қатнашчилар орасида — «Grandqurbustriya» қурилиш-саноат гуруҳи, «INSOF-RI» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, «EAST-KOLOR» масъулияти чекланган жамияти, «Тошкент лок-бўёқ заводи» очик акциядорлик жамияти, «NVA» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси, масъулияти чекланган жамият кўринишидаги «TENNO-INVEST-ST» хорижий корхонаси, «MIROB-DIZAYN» масъулияти чекланган жамияти, «Gran-Lab» шўъба корхонаси, «Kinnertash» Ўзбекистон-Буюк Британия



қўшма корхоналарининг рақобатбардosh маҳсулотларини томоша қилар эканмиз, кўргазма қурилиш соҳасидаги энг янги маҳсулот, товар ва хизматлар кенг намойишига эмас, балки кўплаб ўзаро манфаатли шартномалар имзоланишига замин бўлишига ишонч ҳосил қилдик.

Энг муҳими, ушбу кўргазма истиқболда юртимизга хорижий энг янги, илғор қурилиш техникалари, қурилиш материаллари келтирилишига умид тугдиради.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: 4-Халқаро қурилиш кўргазмасидан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.



ВАТАН ИЧРА КИЧИК ВАТАН БЎЛМИШ МАҲАЛЛА ХАЛҚ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ КЎЗГУСИДИР. У КИШИЛАРНИ ИЙМОН-ЭЪТИҚОДЛИ, МЕҲР-ОҚИБАТЛИ, ДЎСТУ БИРОДАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШ БИЛАН БИРГА ҚАДИМДАН ШАРҚОНА ЯШАШ, УРФ-ОДАТ, АНЪАНА, ХАЛҚ УДУМЛАРИ ТЎЛА АКС ЭТИБ КЕЛГАН МАСКАН ҲИСОБЛАНГАН. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УШБУ ТУЗИЛМАНИНГ ЯНГИДАН-ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ АКС ЭТИБ, РИВОЖЛАНИБ УНИНГ ЎРНИ ВА МАҚОМИ ЯНАДА ОШИДИ.

Анжуманлар

ИСТИҚБОЛ РЕЖАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Куни кеча ўзини ўзи бошқариш тизими бўлган ушбу тузилмада олиб бориляётган ишларни таҳлил қилиш юзасидан Республика «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг 2002-2007 йиллар оралиғидаги фаолият яқунлари бўйича V-хисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Маълумки, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва Қарорлари, Вазирлар Маъжмасининг, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокими қарорлари ижросини таъминлаш билан бирга малакатимизда олиб бориляётган изчил ижтимоий сиёсатни амалга оширишда муҳим ҳисса қўшиб келмоқда.

Шу маънода конференцияда сўз олган «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси вазифасини бажарувчи Жамолiddин Шоҳимов ўтган йиллар мобайнида жамғарма фуқароларининг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни ҳаётга таъбиқ этиш, маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳамда ёш авлодининг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишларига зарур шароитларни яратиш каби бир қатор вазифаларни бажариб келгани, уларни амалга оширишда 11 та туман «Маҳалла» жамғармалари ҳамда шахримиздаги 474 та (М.Улугбек туманидаги 1 та шаҳарча) маҳаллалар ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигида яқиндан ёрдам бериб келаяётганлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, Жамолiddин Шоҳимов ўтган 2002-2006 йиллар ва 2007 йилнинг 9 ойи мобайнида жамғарманиннг иш режаси ҳамда дастурда белгиланган тадбирлар, Низомий вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жамғарма ҳисобидан 539 миллион 894 минг сўм маблағ сарф этилгани, хусусан Ватан ҳимоячилари кўни, Наврўз байрами, Хотира ва қадрлаш кўни, Халқаро ноғоронлар кўни каби бир қатор байрамларда шаҳардаги яқин-ёқин қариялар, ноғоронлар, етим-есирлар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга 2 миллиард 105 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва моддий ёрдам кўрсатилгани ҳақида ҳам ҳисобот бериб ўтди.

Айтиб ўтиш жоизки, ўтган вақт ичида ша-

ҳарда 62 та маҳалла гузарлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда пойтахтда 474 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларнинг барчасида маҳалла оқсоқоллари, масъул котиблар, маҳалла сардорлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ва хотин-қизлар комиссияси раислари фидойилик билан иш олиб бормоқдалар.

Конференцияда шаҳар «Маҳалла» жамғармасининг молиявий ҳаракатлари бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам эшитилди.

Хисобот-сайлов конференциясида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари Фарида Абдураҳимова, Низомиддин Бахтиёр, «Маҳалла» жамғармасининг Сергели тўман бўлими раиси Холхўжа Умаров, Утепа тумани, «Шофайзбоби» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Малика Махмудова, шаҳар «Нуроний» жамғармаси раиси Муҳаммадjon Зубаровлар сўз олиб, пойтахт «Маҳалла» жамғармаси фаолиятига баҳо берад эканлар мустақил давлатимизда, биз кураётган демократик жамиятда маҳалла — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг миллий модели, демократик институт сифатида тан олингани, маҳаллалар бевосита ёки билвосита давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этаётгани, шунингдек, йўл қўйляётган айрим камчиликлар ва уларнинг ечимини ҳақида фикр билдириб ўтдилар.

Анжуманда Жамолiddин Шоҳимов Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси этиб сайланди. Келгусида «Маҳалла» жамғармасининг иш режаси қаторида мамлакатимизда олиб бориляётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни жойларда ҳаётга таъбиқ этиш, хотин-қизларнинг фаолиятини ошириш, оналик ва болаликни муҳофиза этиш, маҳаллалар ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш каби бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Ийгиликларнинг қизгин фикр-мулоҳаза, тақлиф ва истақлари асосида ўтган ушбу конференцияда ютуқлар, камчиликлар ва нуқсонлар, уларнинг ечимини топиш борасида аниқ тавсиялар берилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

2007— Ижтимоий ҳимоя йили

ҚЎШНИЛАР АҲИЛЛИК КЎРСАТИШДИ

ҚАДИМДА ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ҚЎНИ-ҚЎШНИЧИЛИК УДУМЛАРИГА АЛОҲИДА ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР БИЛАН ҚАРАШГАН. ЧУНКИ ҚЎШНИ УЗОҚДАГИ ҚАРИНДОНИГАНДАН ҲАМ АФЗАЛРОҚДИР. МАМЛАКАТИМИЗДА АНА ШУ УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИДА ЯНАДА САЙҚАЛ ТОПА БОШЛАДИ.

Яқинда Утепа туманидаги Чилонзор даҳасининг 23-м мавзеси 28-уйда истиқомат қилувчи ёлғиз она Элеонора Мамажонованинг айвонини қўшнилар ўзаро маслахатлашиб, тўлиқ таъмирдан чиқариб беришди. Айниқса, бунда шу уйда истиқомат қилувчи Ғайрат Мирсоатов, Владимир Ваулинлар ташаббускорлик кўрсатди. Бу эзгу ишга бошқа қўшнилар ҳам яқиндан ёрдам кўрсатишди. Натихада, Мамажонованинг хонадони кўркам уйлاردан бирига айланди.

(Ўз муҳбиримиз)

Тадбирлар

ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 21 ОКТЯБРИДА ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНЛИГИГА 18 ЙИЛ ТЎЛАДИ. УШБУ САНА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ХУДУДЛАРИДА КЕНГ НИШОНЛАНДИ. ШУ МУНОСАБАТ БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР МИЛЛАТИМИЗНИНГ ТЕНГИ ЙЎҚ БОЙЛИГИ, МАДАНИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ БЎЛИШ ТИЛИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИНИ АНИҚ БЕЛГИЛАБ, ЁШ АВЛОДИ ОНА ТИЛИНИ ПУХТА ЎРГАНИШГА ВА У БИЛАН ФАХРЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ.

Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида ўтказилган «Ўзбек тилим— жону дилим» мавзусидаги тадбир ҳам ёшларнинг она тилимизни янада севишга, қадрлашга ва шу тил орқали ўз урф-одатларимиз ва анъаналаримизга нечоғиз содиқ эканлигимизни намойиш этишга қаратилди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонаси, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти, Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёти маркази ҳамда шаҳримиздаги 64-мактаб ҳамкорлигида ўтказдилар.

Тил, бу бизнинг ким эканлигимиздан далолат берувчи, маънавий бойлигимизни янада оширувчи асосий алоқа воситаси ҳисобланади,—деди жумладан тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг илмий котиби, филология фанлари номзоди Раҳматулла Баракаев.—Муштақил Ўзбекистон давлатининг тил байрамига 1989 йил 21 октябрда Республикаимиз Олий Кенгаши сессияси томонидан «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши билан асос солинган. Ҳар бир миллат ва элнинг ўз она тили бўлгани ва у ўша мамлакат фуқароси учун эъзозли эканлиги каби биз учун ҳам ўз она тилимиз мўқаддас ва азиздир. Айнан ўзбек тилининг ниҳоятда нафислиги ва сўзларга бойлиги боис ҳам тилимиз жуда гўзал ва равшандир. Унинг луғат бойлиги шу қадар кенг ва кўпки, баъзан ҳайратланиб қолади киши. Биргина осмон сўзини олинг. Осмон, қўқ, фалак,

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 23-25 ОКТЯБРИДА ПОЙТАХТИМИЗДА «ОНА ВА БОЛА» БИРИНЧИ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ. КЎРГАЗМАНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА «INTER TASHKENT EXPO» КЎРГАЗМАЛАР КОМПАНИЯСИ ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТМОҚДА.

ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИГА БАҒИШLANADI

Куни кеча «Le Cranbe Plaza» меҳмонхонасида ушбу кўргазма олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Она ва бола» кўргазмаси бугунги кунда долзарб бўлиб, аёллар, оналар ва болалар саломатлигини тиклашга, муҳофиза қилишга ва асраб-авайлашга бағишланади,— дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги она ва бола соғлигини муҳофиза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи Клара Ёдгорова.— Кўргазма тиббиёт ходимлари, мутахассислар, она бўлиш арафасида турган ёш аёлларга мўлжалланган бўлиб, тадбир давомида улар маҳаллий ҳамда хорижий товар ишлаб чиқарувчилар, тиббиёт ва оила марказлари, дистрибьютер, болалар товарлари билан иши юритувчилар вакиллари билан яқиндан танишиш ва алоқа ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, кўргазмада чақалоқлар ва ёш оналар учун кийим-кечак, ўйинчоқ, китоб, видео ва аудиокассета, болалар озиқ-овқати турлари, гигиена маҳсулотлари намойиш этилади. Бу кўргазмама ўтказиш замирида эса она ва бола соғлигини мустақамлаш, уларни асраб-авайлаш, соғлом фарзандларни камол топтириш, турмуш жараёнини тўғри ташкил этиш, оилаларда тиббий назоратни қулайтириш, турли хил юқумли касалликлар ва аёллар камқонлигининг олдини олиш, шунингдек, ҳар томонлама соғлом болалар туғилишини таъминлаш каби долзарб вазифалар мужассамлаштирилган.

Шуни ҳам таъкидлаш кераки, кўргазма доирасида хусусий клиника, соғломлаштириш марказлари, болалар жамғармаси, тиббиёт нашриёти, бассейн ва ўқув марказлари фаолияти билан танишиш мумкин...

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ходимлари, шифокорлар ва журналистлар иштирок этдилар. Журналистлар ўзларини қизиқтирган турли мавзудаги саволларига батафсил маълумот олдилар. Анжуман савол-жавобларга, мулоҳаза ва мунозараларга бой тарзда ақунга етди.

Гулнор САТТОРОВА

23 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловы КУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

242-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида боланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органларидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиянинг юқори органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биттадан номзод кўрсатиши мумкин.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки артиясизни номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир, айловчилар ташаббускор гуруҳи эса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни, башарти мазкур нозод ўқи сиёсий партияга мансуб бўлмаса, кўрсатишга ҳақлидир. Номзод фақат битта сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ўз номзоди овозга қўйилишига розилик бериши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлиги номзод кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

Сиёсий партиянинг раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига аризи билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинди:

сиёсий партия юқори органининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг) иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўрилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари. Сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сони камидан беш фоизининг, камидан саккиз маъмурий-худудий тузилма наомандаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизни тўллаши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи республика сайловчилари умумий сонининг миқдида беш фоизи миқдоридан, камидан саккизта маъмурий-худудий тузилма (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) наомандаси бўлган сайловчилардан номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўллаши керак. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўллашга ҳақли. Бу санага қадар тўлган имзолар ҳисобга олинмайди.

Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исминини, отасининг исминини, туғилган йилини (ёш ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда уилган кун ва ойини), яшаш жойи манзилни, паспортининг серииси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо ўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини имзо тўплаган шахс ўз фамилиясини, исминини, отасининг исминини, яшаш жойи манзилни, паспортнинг серииси ва тартиб рақамини қўртган ҳолда, шунингдек тегишли сиёсий партиянинг тума, шаҳар тузилмаси раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш яшаш жойида, сайлов олдидан тадбирларида, шунингдек таъкиот юртига ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан ақикланган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо ўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишининг қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка абаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сиёсий партиянинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссияси топширади.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий айлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқди ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса беради.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тадбирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияда сайловчилар ташаббускор гуруҳидан улар қўрсатган номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатлар қабул қилишни рад эди.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиб қолган ўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарлари; сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига белгиланган тартибда маълум қилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтади.

(Давоми келгуси сонда)

